

Фейсбукка киришдан олдин

13:21 / 03.07.2017 5052

Фейсбукка киришдан олдин Аллоҳнинг йўлига чақиришни ният қил!

«Ўртоқлашиш» («поделиться», «share») тугмасини босишдан аввал яхшиликни ёйиш ва садақаи жория қилишни ният қил!

«Ёқди» («нравится», «like») тугмасини босишдан аввал бир мусулмоннинг қалбига шодлик олиб киришни ният қил!

Фикр-мулоҳаза («комментарий», «comment») ёзишдан олдин Аллоҳ ҳар бир гапингни кузатиб турганини эсга ол!

Хуллас, бу ердаги ҳар бир қадамнинг Аллоҳ учун босгин, шояд бирортаси Аллоҳнинг олдида сени шафоат қилса!